

Жаннатдаги либослар



21:00 / 30.11.2018 4619

Аллоҳ таоло дейди:

"(Улар жаннатларда) ипак шойилардан бўлган, яшнаб турувчи либослар кийиб..." (Қаҳф, 31).

"Либослари эса ҳарир (ипак бўлур)" (Ҳаж, 23).

Барро ибн Озиб айтади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир ҳарир кийим ҳадя қилинди. Асҳоблар қўлма-қўл томоша қила бошлашди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Шундан ажабланияпсизларми?" дедилар.

Улар: "Ҳа", дейишди.

У зот: "Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Саъд ибн Муознинг жаннатдаги дастрўмоли бундан яхшидир", дедилар.

Саъд ибн Муоз айтади: "Аторад ибн Ҳожибга Кисро ипак кийим кийгизган эди, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадя қилди. Шунда одамлар тўпланиб, у кийимни ушлаб кўриб ҳайратланишди ва: "Эй Расулуллоҳ, сизга бу осмондан нозил бўлдимми?" дейишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ажабланманглар! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Саъд ибн Муознинг жаннатдаги дастрўмоли бундан яхшироқдир", дедилар".

Имом Қуртубийнинг "Тазкира"сидан